O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 28 август, № 170 (4833) Жума

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

## «ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР САРОЙИНИ БУНЁД ЭТИШДА ФАОЛ ҚАТНАШГАН ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Кўп йиллик самарали меҳнати билан мамлакатимизнинг қурилиш соҳасига, замонавий шаҳарсозлик ривожига қўшган катта ҳиссаси, мураккаб ва ноёб иншоотларни сифатли бунёд этишда жонбозлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:*

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»

**Жалолов Миродил Собитович** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонаси директори

*Фидокорона меҳнатлари билан мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга самарали ҳисса қўшгани, қурилиш соҳасига илғор технологияларни жорий этиш ва ўзлаштиришда улкан ютуқларга эришгани, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда жамоат ишларидаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Кевхаянц Аркадий Аркадьевич** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг «Саноат ва фуқаро қурилиши» бошқармаси бошлиғи

**Шодиев Ориф Олимович** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг кран машинисти

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Исмаилов Тавакалжон Қодирович** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонаси бош директорининг ўринбосари

**Коробов Николай Викторович** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг монтажчиси

**Қурёзов Одилбек Жуманиязович** — «Тошгипрогор» акциядорлик жамиятининг 4-устахонаси етакчи меъмори

**Мирзаев Махмуд Тошпўлатович** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг монтажчиси

**Рўзиев Ғайрат Турсунович** — «Тошгипрогор» акциядорлик жамиятининг қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш бўлими бошлиғи

### «Дўстлик» ордени билан

**Ортиқов Солих Собиржонович** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг юк автомашинаси ҳайдовчиси

**Ким Виктор Гим-Секович** — «Тошгипрогор» акциядорлик жамиятининг 3-устахонаси раҳбари, лойиҳа раҳбари

**Лешенко Михаил Васильевич** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг геодезисти

**Сабатских Надежда Александровна** — «Тошқурилишмеханизация» акциядорлик жамиятининг 2-механизациялашган бошқармаси минорали кран машинисти

**Тошхўжаев Раҳим Темирович** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг участка бошлиғи

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдуллаев Ёрқинжон Боқижонович** — «Гиссарнефтгаз» қўшма корхонасининг қурилиш бўйича директор ўринбосари

**Акбаров Исоқ Шарипович** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонаси бош директори

**Аллабергенов Камаладдин Кенжабаевич** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг «Саноат ва фуқаро қурилиши» бошқармаси ғишт терувчиси

**Брикин Евгений Николаевич** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг пайвандчиси

**Давиров Жахонбек Салимович** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг вентиляция бригадаси бошлиғи

**Закирхонов Боходир Саитхонович** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг электргаз пайвандчиси

**Кагарманов Ринат Маратович** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг бригада бошлиғи

**Ли Юрий Борисович** — «Ўзпўлатқурилмалойиҳа» акциядорлик жамиятининг лойиҳалар бош муҳандиси

**Тўлаганов Шовкат Комилович** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг участка бошлиғи

**Тўраев Ниғматулла Каримович** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг бош энергетиги

**Чопенко Сергей Николаевич** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг сантехника участкаси раҳбари

**Эмирвелиев Нариман Амзаевич** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг сантехниги

**Ҳакимов Валижон Саитқулович** — «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонасининг комплекс бригада бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 27 август

# ЮРТ РАВНАҚИ, ИНСОН МАНФААТИ

**бугун Тошкент шаҳрида очиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида муҳокама этиладиган масалаларнинг мазмун-моҳиятини ташкил қилади**



***Сенаторларнинг навбатдаги мажлисида мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштириш, жамиятни модернизациялаш ҳамда янгилаш, барқарор иқтисодий тараққиётга эришиш ҳамда инсон манфаатлари муҳофазасини мустаҳкамлашга йўналтирилган йигирмадан ортиқ масалалар муҳокама этилиши кутилаётир. Кеча юқори палата аъзолари ўз қўмита йиғилишларида ялпи мажлис кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.***

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

*Мухбиримиз ялпи мажлис олдидан сенаторларнинг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишди.*

— Ҳар йили халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Истиқлол шодиёналари арафасида бундай нуфузли анжуманга йиғилишимизнинг рамзий маъноси бор, — дейди Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси М. Болтабоева. — Ортга назар ташлар эканмиз, ҳақиқатан ҳам, ўтган фурсат ичида мамлакатимиз ҳар бир жабҳада улкан ютуқларга эришганини кўриш мумкин. Бунда эса, табиийки, юртдошларимизнинг меҳнати, муваффақияти таҳсинга лойиқ. Зеро, ютуқларни эътироф этиш, қилиниши лозим бўлган ишларни янада жадаллаштириш, не-не машаққатлар эвазига қўлга киритилган бу неъматни асраб-авайлаш, юрт равнақига хизмат қиладиган саъй-ҳаракатларни кенгайтириш туйғуси ҳар бир ватандошимиз ўй-хаёлини қамраб олган. Айниқса, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожи учун зарур қонунларни маъқуллаш, уларда ҳудудлар манфаатини таъминлашда сенаторларимиз зиммасида улкан масъулият бор.

Қўмитамиз йиғилишида мана шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллигини кучайтириш лозимлиги уқтирилди.

(Давоми 2-бетда).



## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Кеча, 27 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф. Муҳитдинованинг парламент юқори палатасининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисига тайёргарлик ҳақидаги ахборотини тингладилар.

Қўмиталарнинг раислари навбатдаги ялпи мажлис муҳокамасига киритилган қонунлар юзасидан хулосалар ва бошқа масалалар бўйича қарорлар тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш борасида ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида таъкидланганидек, Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида йигирмадан ортиқ масалани кўриб чиқиш мўлжалланмоқда. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги масала, "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"га Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда).

# ЮКСАК ЭҲТИРОМ ВА ИФТИХОР РАМЗИ

**Бугун «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони таъсис этилганига 11 йил тўлди.**






Сана

Мамлакатимизда фидокорона меҳнатлари билан эл-юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган инсонлар кўп. Уларнинг саъй-ҳаракати ва жонбозлиги натижасида Истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг мустақиллиги мустаҳкамланиб, нуфузи, обрў-эътибори юксалиб бораяпти. Қай бир соҳа, қай бир жабҳада бўлмасин, эришган муваффақиятларини мамлакатимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигига бахшида қилаётган бундай инсонлар бугун эл-юрт эътибори ва эъзозида бўлиш баробарида, ҳақли равишда, давлатимизнинг юксак унвон ва мукофотлари билан ҳам тақдирланишмоқда.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан миллий ўзлигимиз, тарихий анъаналаримиз, қадриятларимизни мужассам этган қатор давлат мукофотлари — орден ва медаллар, фахрий унвонларнинг таъсис этилиши бу борадаги эзгу мақсад-вазифалар рўёбини таъминлаш учун хизмат қилаётир. Бу — эзгулик иштиёқи билан яшаётган, Ватан равнақи, халқимиз турмуши фаровонлиги йўлида жон куйдираётган юртдошларимизнинг хизматини муносиб баҳолаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг ёрқин исботидир.

1998 йилнинг 28 августида таъсис этилган "Эл-юрт ҳурмати" ордени ва "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони ана шундай юксак мукофотлар сирасига киради.

Жумладан, мамлакатимиз мустақиллигини, иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган инсонлар "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланиб келинаяпти.

Мазкур орден марказида рангли йўл билан ҳошияланган Регистон меъморий мажмуи, мафтункор водий ва фусункор тоғлар узра мовий осмон, порлаётган қуёш ўз аксини топган. Бу бой тарихимиз, бугунги осойишта ва фаровон ҳаётимиз ҳамда порлоқ

(Давоми 2-бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам жаноб Президент,

Мен Ўзбекистон халқини барча америкаликлар номидан 1 сентябрь куни нишонланажак Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрами муносабати билан муборакбод этаман. Биз барчамиз мустақил ва суверен Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига қўшилган ушбу кунни эътироф этамиз.

Сизга ва Ўзбекистон фуқароларига байрамни шодиёналик билан кутиб олишини тилайман.

Самимият ила,

**Барак Обама,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан самимий табрик ва энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Фурсатдан фойдаланиб, икки томонлама алоқаларнинг барқарор ривожидан мамнун эканимни изҳор этиб, дўстона муносабатларимиз ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз келгусида янада мустаҳкамланажагига ишонч билдирмоқчиман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт, барча олиҳиммат ишларингизда муваффақият тилагувчи самимий истакларимни қабул этгайсиз.

Эҳтиром ила,

**Ли Мён Бак,**
**Корея Республикаси Президенти.**

# ОЧИҚЛИК, ОШКОРАЛИК ВА ТРАНСПАРЕНТЛИК – ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР АСОСИ

***Бухорода 25-26 август кунлари "Сайловларни ўтказиш ва ташкил этишда очиқлик, ошкоралик ва транспарентликни таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари: жаҳон тажрибаси, меъёр ва стандартлар" мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси томонидан ташкил этилди.***

Семинарда Буюк Британия, Миср, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Қирғизистон, Покистон, Россия, Украина, Франция, қатор халқаро ташкилотлардан экспертлар, Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Семинар қатнашчилари сайлов кампаниялари давомида очиқлик, ошкоралик ҳамда транспарентлик тамойилларини рўёбга чиқаришнинг қонунчилик асослари ва амалиётини ривожлантириш, демократик сайловларни ўтказишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва иштирокини ошириш соҳасида мамлакатимиз тажрибасини кўриб чиқди.

Тадбирда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар доирасида сайлов қонунчилиги ва амалиёти тизимли равишда изчил демократлаштирилаётгани таъкидланди. Давлатимиз томонидан сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда очиқлик, ошкоралик ҳамда транспарентликни таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Бу борада Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади.

Семинар иштирокчиларининг фикрича, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ва халқаро стандартларга тўлиқ мос келадиган ўзгартишлар мамлакатимиз сайлов тизимини эркинлаштириш жараёнини сифат жиҳатидан янги даражага кўтарди.

Уларнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари бу борада янада фаол ўрин тутмоқда, жамоатчиликнинг ижобий фикрини шакллантирмоқда. Сиёсий партиялар ва уларнинг номзодларининг сайловолди ташвиқот-тарғибот ишларида оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланиши таъминланади. Шу муносабат билан журналистлар масъулияти, журналист этикасига бўлган талаблар ошмоқда.

(Давоми 2-бетда).




***Мамлакатимизни айни пайтда улкан бунёдкорлик майдонига менгзаш мумкин. Негаки, юртимизда қурилиш ишлари кўлами тобора кенгайиб бораётир. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисида эътироф этилганидек, жорий йил олти ойида республикамизда қурилиш ишлари ҳажми 32,5 фоизга ошганлиги бунинг ёрқин тасдиғидир.***

***Шубҳасиз, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, хусусан, қурилиш ва ободончилик ишларига қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самара бермоқда.***



# ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

## рақобатбардош ва сифатли маҳсулот гаровидир

Аввало, қурилиш материалларига бўлган талаб ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эвазига қондирилаётир. Бу барпо этилаётган объектларнинг тез, сифатли ва арзон тикланишига имкон яратмоқда.

Цемент энг муҳим қурилиш материалларидан ҳисобланади. "Ўзқурилишматериаллари" компанияси тизимидаги "Оҳангаронцемент" очиқ акциядорлик жамияти ушбу маҳсулотга бўлган ички эҳтиёжни таъминлашда етакчи корхоналардан биридир. Истиқлол йилларида ушбу завод цехлари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, модернизация қилинаётгани туфайли ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ошиб бораяпти. Жорий йилнинг биринчи ярмида жамоа 884 минг тонна цемент тайёрлаб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 105,7 фоиз ўсишга эришди. Шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон сингари қўшни давлатларга ҳам маҳсулот экспорт қилмоқда.

Дунёнинг кўплаб давлатларига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий таъсир кўрсатаётган бугунги мураккаб шароитда ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорда ўз ўрнини сақлаб туриши осон эмас. Мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилаётган тадбирлар, хусусан, экспорт қилувчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ўз самарасини бераётир.

"Оҳангаронцемент" ОАЖда мазкур Дастурда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқаришга моддий ресурсларни тежайдиган ускуналар татбиқ этилаётгани глобал инқирознинг салбий оқибатларини бартараф қилишда қўл келаяпти. Пировардида, маҳсулот тайёрлаш суръати ошиб, унинг таннархини пасайтиришга эришилмоқда. Бу тадбирлар доирасида шлам насосларининг янгилангани айни муддао бўлди, чунки эски насослар ёрдамида намлиги юқори шлам ҳайдаларди, холос. Швециядан келтирилган янги насослар орқали эса намлиги нисбатан камроқ хом ашёни ҳам ҳайдаш мумкин.

Бунинг аҳамияти шундаки, шламнинг намлиги қанчалик кам бўлса, уни пишириш учун шунчалик оз миқдорда табиий газ сарфланади. Жамият мутахассислари буни ҳисоб-китоб ҳам қилиб кўришди. Натижа қуйидагича чиқди: намликнинг бир фоизга туширилиши умумий газ сарфини 1,5 фоизга камайтирар экан. Корхона цехларига бундай замонавий насослардан 8 таси ўрнатилганини инобатга олсак, табиий газ қанчалик иқтисод қилинаётганини тасаввур қилиш қийин эмас.

— Цемент ишлаб чиқариш жараёни шу ердан бошланади, — дейди тегирмон машинистлари устаси Фахриддин Маражабов. — Карьердан келтирилган хом ашё тегирмонларда майдаланиб, бир кеча-кундузда ўртача ҳисобда 7-7,5 тонна шлам ҳосил қилинади. Унинг сифати, кўп жиҳатдан, таркибига қўшиладиган қўшимчалар ва нечоғли маромига етказиб қайта ишланишига боғлиқ. Шунинг учун назоратни асло сусайтирмаймиз. Иш жараёнини компьютер орқали кузатиб борамиз.

Кейинги йилларда корхонада Президентимизнинг 2007 йил 14 мартдаги "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, электр энергиясини иқтисод қилиш мақсадида тегирмон двигателлари янгиланди, 2 та компрессор сотиб олинди, қадоқлаш цехидаги элеватор замонавийси билан алмаштирилди, янги кран келтирилди, шунингдек, замонавий газ анализаторларидан фойдаланила бошланди.

— Бундай кенг кўламли ишлар ўз маблағимиз эвазига амалга оширилгани эътиборга молик жиҳатдир, — дейди бош технолог Улуғбек Умаралиев. — Модернизациялаш ишлари жорий йилда ҳам давом эттирилиб, шу мақсадларга ўтган даврда қарийб 2,5 миллиард сўм йўналтирилди. Бу кучли рақобат шароитида нисбатан арзон ва юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш имконини бераяпти.

Дарҳақиқат, корхонада 1999 йили 693,8 минг тонна цемент ишлаб чиқарилган бўлса, 2002 йилга келиб, бу кўрсаткич 1 миллион 33 минг, 2005 йилда эса 1 миллион 155 минг тоннага етказилди. 2008 йилда эришилган натижа ундан-да юқори — 1 миллион 839 минг тоннани ташкил этди.

Жорий йил корхонада ГОСТ 31108-2003 халқаро стандарти бўйича цемент ишлаб чиқариш бошланади. Бу маҳсулот сифатининг янада ошишига хизмат қилади, албатта.

Мутахассисларнинг фикрича, маҳсулот сифатининг яхши сақланишида қадоқлаш ҳамда етказиб бериш технологияси муҳим аҳамиятга эга. Шу боис корхонада қадоқлаш ва юклаш цехи тўлиқ модернизация қилинди. Бу ерга Германияда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Натижада иш суръати ошди, бир кеча-кундузда 1200 тоннагача маҳсулот қоғоз қопларга қадоқланаяпти.

— Цементни харидорларга тўлиқ қадоқланган ҳолда етказиб беришга эришдик, — дейди цех бошлиғи Маъмур Мирсаидов. — Бундан, айниқса, мижозлар хурсанд. Чунки қоғоз қоплар жуда пишиқ ишланган. Баландликдан тушиб кетса ҳам йиртилмайди. Уч қаватли эканлиги эса маҳсулотнинг қурилиш майдонигача ҳеч қандай йўқотишларсиз, сифати сақланган ҳолда етиб боришини кафолатлайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатаяптики, мамлакатимизда қурилиш материаллари, хусусан, цементга бўлган талаб тобора ортиб бораяпти. Сабаби, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида шаҳару қишлоқларимизда бунёдкорлик ишлари янада жадал тус олган.

Бунёдкор халқимизни қурилиш материаллари билан таъминлашда, айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 мартдаги "Тураржой ва кичик бизнес субъектлари учун қурилиш материаллари сотиш бўйича фирма дўконлари тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қўшимча имкониятлар яратди. Гап шундаки, мазкур ҳужжатга биноан, жойларда ихтисослашган савдо дўконлари ташкил этилмоқда. Жамият томонидан эса Жиззах, Тошкент вилояти ва шаҳрида 14 та ана шундай савдо дўкони очилди. Улар орқали аҳолига арзонлаштирилган нархларда 16 минг тоннадан ортиқ цемент етказиб берилди ва белгиланган режа ортиғи билан бажарилди.



**М**амлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, айниқса, ишлаб чиқарувчиларга берилаётган имтиёзлар натижасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, қурилиш материаллари саноатида юқори натижалар қўлга киритилаяпти. Бу иқтисодиётимиз тобора мустаҳкамланаётганидан, аҳоли турмуши фаровонлашиб бораётганидан далолатдир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** корхона ҳаётидан лавҳалар.
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

---

Молия муассасаларида

MIKROKREDITBANK

***Кейинги пайтларда мамлакатимиздаги кўплаб тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорликда юритишмоқда. Чунки мазкур банк ўзининг катта имкониятлар яратадиган имтиёзли микрокредитлари билан ҳар бир маҳаллага, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир оилага кириб бораяпти. Хусусан, Тошкент вилоятида банкнинг олтита филиали, 27 та минибанки аҳолига ана шундай замонавий, сифатли хизмат кўрсатиб келаётир.***

## «Микрокредитбанк»:

# ҚИШЛОҚҚА ИМТИЁЗЛИ МИКРОСАРМОЯЛАР

Натижада айни пайтга келиб филиал мижозлари сони 12 мингтага етди. Уларнинг 2652 таси деҳқон ва фермер хўжаликлари, 1627 таси хусусий тадбиркорлар, 4181 нафари жисмоний шахслардир.

Банкнинг йил бошидан буён амалга ошираётган ишларига назар ташлайдиган бўлсак, асосий эътибор "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилганига гувоҳ бўламиз. Буни вилоят филиали томонидан жорий йилнинг 7 ойи мобайнида қишлоқдаги яратувчилик ишларига 2271,2 миллион сўм маблағ йўналтирилгани, бундай сармоялар ёрдамида кўплаб хизмат кўрсатиш мажмуалари ташкил этилаётгани, юзлаб тадбиркорлар фаолият бошлаганликларидан ҳам билишимиз мумкин.

Масалан, Бўка туманидаги "Ҳофиз-Абдурасул" хусусий корхонаси — ушбу молиявий муассаса кўмаги билан фаолиятини ривожлантириб олган тадбиркорлик субъектларидан бири. Корхонани ишга тушириш, яъни замонавий ускуналар сотиб олиш учун банк унга 150 миллион сўм миқдорида кредит ажратди. Корхонада ҳозирги кунда сифатли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, тумандаги Наимжон Каримов раҳбарлик қилаётган "Автосервис" хусусий корхонаси банкнинг 56 миллион сўмлик имтиёзли микролизинг хизмати ҳисобига ташкил этилган.

Маълумки, бугунги кунда аҳоли орасида пишиқ ва сифатли қурилиш материалларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бундай материаллар одамларнинг ўз қишлоғи ёки маҳалласида ишлаб чиқарилаётгани айни муддао бўлаяпти. Юқори Чирчиқ туманидаги "Ихтиёр-қурилиш-файз" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган пишиқ ғишт арзон ва сифатлилиги билан эътиборга тушган. Ваҳоланки, ушбу жамият ҳам банк мижози ҳисобланади. Бу ерда банк томонидан ажратилган 170 миллион сўм миқдоридаги кредит эвазига замонавий технология сотиб олиниб, пишиқ ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада 25 нафардан ортиқ маҳаллий ёшлар ишга жалб этилди.

Умуман, банкнинг вилоят филиали томонидан жорий йилнинг 7 ойи давомида 15,7 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Ушбу сармояларнинг 1 млрд. 226 млн. сўми саноатга, 2 млрд. 880 млн. 370 минг сўми қишлоқ хўжалигига, 1 млрд. 152 млн. 476 минг сўми савдога, 1 млрд. 686 млн. 069 минг сўми қурилиш ва маиший хизматни ривожлантиришга йўналтирилган. Муҳими, бунинг эвазига вилоятда 6572 та янги иш ўрни яратилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2000 тага кўпдир.

Бундан ташқари, шу вақт ичида кичик бизнес субъектларининг айланма маблағларини тўлдириш, қўшимча техника ва технологиялар сотиб олиш учун 4 млрд. 071 млн. 770 минг сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга ажратилган сармоялар миқдори эса 2 млрд. 182 млн. 300 минг сўмни ташкил этди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида техника ва технологиялар сотиб олишга қарийб 1 миллиард сўм, қишлоқлардаги шундай корхоналарга хом ашё сотиб олишлари учун 188 миллион сўм, қурилган иссиқхоналарда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш учун эса 67,5 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга минитехника ва технологиялар харид қилиш учун 517,6 миллион сўм, улгуржи савдо корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун эса 16,5 миллион сўм миқдорида микрокредитлар берилди.

Таъкидлаш жоизки, "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки аҳолига барча турдаги банк хизматларини намунали ва тезкор амалга ошириб келмоқда. Айниқса, аҳоли бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш мақсадида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Айни пайтда банкнинг аҳоли учун турли қулайликларга эга бўлган 25 турдаги жамғармаси мавжуд. Яқинда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан юқори фоизли "Она шаҳрим" номли янги омонат тури ҳам жорий этилди. Йил бошида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб ташкил этилган "Тараққиёт" ҳамда "Фаровонлик" омонатлари, айниқса, жозибадорлиги билан алоҳида катта қизиқиш уйғотаяпти.

Шу йилнинг 1 август ҳолатига кўра, аҳоли омонатлари ҳажми йил бошидагига нисбатан 260 миллион сўмга ошиб, 1 миллиард 460 миллион сўмни ташкил этмоқда. Унинг 1 миллиард 75 миллион сўми ёки 72,4 фоизи муддатли ва жамғарма омонатларини ташкил этади.

**Б**ир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони асосида иш бошлаган мазкур микросармоялаш ташкилоти бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлайдиган, шу соҳага ҳар томонлама молиявий хизмат кўрсатадиган универсал банкка айланиб бораётир.

**Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ.**

---

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Иш вақтида футбол ўйнаманг

***Буюк Британияда ўт ўчириш хизмати ходимларининг иш вақтида футбол ўйнаши тақиқлаб қўйилган.***

Бу ҳақда "The Telegraph" нашри маълумот тарқатди. Бунга сўнгги пайтларда хизмат ходимларининг аксарияти ўйин вақтида жиддий жароҳатлар олаётгани сабаб бўлган. Мазкур қарорга норозилик билдирган ходимлар эса касаба уюшмасига мурожаат қилишган. Уларнинг фикрича, "миллионлар ўйини" жамоани бирлаштириб турар экан, уни тақиқлаш инсофдан эмас.

## Қурбонлар сони ошмоқда

***Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида террорчилик ҳаракати содир этилди.***



Манбага кўра, хунрезлик мамлакатдаги Япониянинг қурилиш компанияси биноси яқинида амалга оширилган. Бешта машинага ўрнатилган портловчи қурилмаларнинг ҳаракатга келиши оқибатида 30 киши ҳалок бўлиб, 60 нафар одам тан жароҳати олган. Қирқдан ортиқ бинога зарар етган. Портлашдан сўнг отишма юз берган.

Бундан ташқари, шу куни мамлакат жанубида йўлга ўрнатилган минанинг портлаши оқибатида АҚШ ҳарбийларидан тўрт нафари ҳалок бўлган.

Статистика маълумотларига қараганда, жорий йилда Афғонистондаги коалиция кучлари кўраётган талафотлар миқдори ошиб бормоқда. Жумладан, йил бошидан буён бу ерда 295 нафар ҳарбий ҳалок бўлган. Ўтган йилда эса бу рақам 294 тага тенг эди.

## Айирмачилар фош этилмоқда

***Париж шаҳрида Франция ва Испания ташқи ишлар вазирлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.***

Унда минтақада террорчилик ҳаракатини амалга ошириб келаётган "ЭТА" айирмачилар гуруҳига қарши кураш масалалари муҳокама қилинди. Таъкидлаш жоизки, сўнгги пайтларда мазкур гуруҳ аъзоларини қўлга олиш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, Франциянинг Савойя департаментида "ЭТА"нинг уч нафар аъзоси қўлга олинган. Маълум қилинишича, ушбу шахслар жиноий тўданинг асосий одамларидан ҳисобланишади. Улар гуруҳни мунтазам равишда қурол-яроғ ҳамда портловчи қурилмалар билан таъминлаб келган. Шунингдек, Савойя департаменти ҳудудидан "ЭТА"га тегишли 12 та яширин макон ҳам аниқланган ва бу жойлардан 800 килограммга яқин портловчи мосламалар топилган.

## Олов пасайди, лекин...



***Грецияда юз бераётган ўрмон ёнғинлари шиддати пасайган бўлса-да, у етказган талафотлар кўлами катталиги айтилмоқда.***

Европа ўрмон ёнғинларини кузатиш ахборот тизими маълумотларига кўра, "тилсиз ёв" ушбу мамлакатдаги 30 минг гектар ўрмон ва 150 дан ортиқ тураржой биносининг кулини кўкка совурган. Бир неча қишлоқ ичимлик суви таъминотидан узилиб қолган. Мутахассисларни эса табиатнинг бебаҳо мўъжизаси саналган ўрмонларнинг йўқ бўлиб кетганлиги жиддий ташвишга солаяпти.

Греция ҳукумати томонидан маълум қилинишича, табиий офатдан зарар кўрган минтақаларга 3,3 миллион евро миқдорида иқтисодий кўмак кўрсатилар экан.

## Тўфон келтирган талафот

***Тайванда юз берган "Моракот" тўфони катта талафотларга сабаб бўлди.***

Бу ҳақда "Синьхуа" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Мамлакат табиий офатлар маркази томонидан маълум қилинишича, тўфон мамлакат инфратузилмасига жиддий зарар етказган. Бу ерда кўплаб тураржой ва маъмурий бинолар вайрон бўлган. Юзлаб гектар экинзорлар сув остида қолган.

Ачинарлиси, табиий офат оқибатида қурбонлар сони ҳам ошиб бормоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, ҳалок бўлганлар 461 нафарга етган. Яна 192 киши бедарак йўқолган, 46 нафари эса тан жароҳати олган.

## «Мовий ғор» ёпилди

***Италиядаги кўнгилочар жойлардан бири саналган "Мовий ғор" дам олиш масканининг ёпилиши маълум қилинди.***



Гап шундаки, Капри оролларида жойлашган мазкур ҳудудда сувнинг заҳарланиши кузатилган. Оқибатда бу ерга ташриф буюрган бир неча сайёҳ кўз ва томоқ ачишишидан азият чекиб, шифокорга мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Ҳозирда ушбу ҳудуддаги сув юзини оқ парда қоплаган ва атрофга бадбўй ҳид таралмоқда.

Маҳаллий полиция вакилининг билдиришича, айни пайтда мазкур ишда гумон қилиниб, икки киши ҳибсга олинган. Гувоҳларнинг айтишича, ушбу кимсалар икки ҳафта муқаддам бу ерда бўлиб, қандайдир номаълум нарсаларни сувга ташлашган. Мутахассислар воқеа юзасидан текшириш ишларини олиб боришмоқда.

## Хабар тасдиқланди

***"Толибон" жангарилар гуруҳининг Покистондаги янги етакчиси Ҳикматулло Мақсуд тўданинг собиқ раҳбари Байтулло Мақсуднинг ҳалок бўлганини тасдиқлади.***



Унинг айтишича, Байтулло икки кун бурун АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари томонидан берилган ракета зарбалари чоғида ҳалок бўлган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

kdb
UzKDB Bank

UzKDB Bank

жамоаси кўп миллатли Ўзбекистон халқини, ўз мижозлари, ҳамкасблари ҳамда ҳамкорларини энг улуғ ва энг азиз байрам —

Мустақиллик куни ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги

билан самимий муборакбод этади!

Барчага мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик ишларида улкан зафарлар тилайди.



Айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»

АКЦИЯДОРЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

сиз азизларни энг улуғ, энг азиз байрам, асрий орзу-ниятларимизнинг рамзи бўлган қутлуғ сана — давлатимиз Мустақиллигининг 18 йиллик шодиёнаси билан чин дилдан табриклайди!

*Истиқлол йилларида юртимиз иқтисодиёти кун сайин ривожланиб бормоқда. Эришилаётган ютуқларга комбинатимиз жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшаётганидан фахрланамиз.*

*Азиз юртдошлар!*

*Юртимиз обод, осмонимиз доимо мусаффо бўлиб, хонадонларимиздан бахт-саодат, тўкин-сочинлик, қувонч аримасин!*





SamAuto

«Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖ

сиз, азиз юртдошларимизни халқимизнинг энг улуғ айёми — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги, шунингдек, пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрами муносабати билан муборакбод этади.

Сизларга эзгулик ва омад, соғлиқ ва бахт, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятингизда янгидан-янги зафарлар тилайди.





МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

«Oxus Resources Corporation» компанияси ҳамда «Амантайтау Голдфилдс» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси жамоалари



Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси

**МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ**

билан чин дилдан самимий муборакбод этади!

*Барчага сиҳат-саломатлик, омад, фаровонлик, эл-юрт истиқболи йўлидаги саъй-ҳаракатларида улкан зафарлар тилайди!*

RBS The Royal Bank of Scotland

**RBS NB Uzbekistan CJSC**

**Ўзбекистон халқини улуғ байрам — Мустақиллик куни ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик айёми билан чин қалбдан муборакбод этади!**

Барчангизга оилавий бахт-саодат, фаровонлик ва мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилайди.

**ALSYS®**

**«ALUMINIUM SYSTEMS» МЧЖ ХК жамоаси Ўзбекистон халқини ва юртимиз меҳмонларини миллий байрамимиз — Мустақиллик куни ҳамда кўҳна ва азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади!**



**Умумхалқ байрамлари кунларида сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака, бунёдкорлик ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.**

**Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!**


O`zbekiston va Turkiya ishbilarmonlari uyushmasi — «UTID»
O`zbekiston xalqini
Mustaqillik bayramining 18 yilligi
va Toshkent aholisini poytaxtning
2200 yillik shodiyonasi bilan chin dildan tabriklaydi!
Barchaga tinchlik-xotirjamlik, sihat-salomatlik, baxt-saodat, har bir oilaga farovon hayot, bunyodkorlik ishlarida muvaffaqiyatlar tilaydi.
O`zbekiston va Turkiya xalqlari o`rtasidagi do`stlik va hamkorlik rivojlanaversin.
Yuksak hurmat bilan,
«UTID» raisi Tayfun Merich.


KOMFORT Elit
жамоаси
Ўзбекистон аҳолисини ва юртимиз меҳмонларини Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади!
Сизларга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилаб қолади.
Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!


BANK IPAK YO'LI
«ИПАК ЙЎЛИ» БАНКИ
жамоаси барча ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан самимий табриклайди!
Барчага тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ҳамда муваффақият тилайди!


BRITISH AMERICAN TOBACCO UZBEKISTAN
«Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон» компанияси Ўзбекистон халқи ва меҳмонларини
Мустақиллик
байрами билан самимий табриклайди.
Мустақиллик бахт, омад, осойишталик ва файз келтирсин!



# МАФТУНКОР НАВОЛАР СЕҲРИ

«Шарқ тароналари — 2009»

***Шарқнинг сеҳрли наволари бу йил қадимий Самарқандда еттинчи бор янграмоқда. Дунё аҳли бу гал ҳам кўҳна шаҳардаги жаҳоншумул санъат анжуманини ҳайрат ва қизиқиш ила қарши олди. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов фестивалнинг тантанали очилиш маросимида таъкидлаганидек, бу фестиваль Шарқ оламини ва фалсафасини, беназир гўзаллик, назокат ва нафосатни акс эттирадиган, инсон қалбининг энг нозик нуқталарига етиб борадиган куй ва қўшиқларни, қадимий тасвирларни ифода этгани билан инсоннинг бутун вужудини қамраб олиши ва ўзига мафтун этиши муқаррар.***

Халқаро анжуман баҳона Шарқу Ғарб санъат усталари Самарқандга интилди, эллар элларга, диллар дилларга боғланди, миллату элатлар ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустаҳкамланди. Буни фестиваль иштирокчилари билдираётган фикр-мулоҳазалар ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

— Самарқандда ўтказилган "Шарқ тароналари" I халқаро мусиқа фестивалида мамлакатимиз вакили Симара Иманова олий мукофот — Гран-прини қўлга киритган эди. Бу Самарқанд Симарани, қолаверса, бутун Озарбойжон санъатини дунёга танитди, деганидир, — дейди "Сари Гелин" ансамбли мусиқачиси Элшан Мансуров. — Мазкур нуфузли анжуман Шарқ санъатининг беқиёс қирраларини бутун жаҳонга намоён этаяпти, десам, муболаға бўлмас. Бизни Ўзбекистонга чорлайдиган яна бир сабаб, бу халқларимизнинг тили, маънавияти, мусиқаси ҳар томонлама яқинлиги, кўнгилларимиз туташлигидир. Орзиқиб кутилган кун ҳам келди. Мўъжизавий Регистон саҳнасида соз чалиб, ижрочилик маҳоратимизни намойиш этдик. Чиқишларимизни мусиқа ихлосмандлари илиқ кутиб олишганидан беҳад хурсандмиз.

Ўтган галги фестивалда эса бош совринни кувайтликларга, мамлакат мусиқа институти санъаткорларига насиб этган эди. Бу, ўз навбатида, Кувайтда мусиқага, санъатга эътибор юқорилигидан, ушбу юрт санъаткорларининг мумтоз, миллий наволарни юксак савияда ижро этиш маҳоратига эга эканликларидан далолат беради. Уларнинг Самарқанд фестивалида ҳар гал янгича ва ўзига хос дастурлари билан қатнашишга интилишлари ҳам санъатга муҳаббатлари туфайлидир.

— Бу фестивални орзиқиб кутдик, — дейди Кувайт мусиқа институтининг мусиқа чолғулари кафедраси мудири Магди Талаат Муҳаммед. — Кўплаб ижрочиларимиз, созандаларимиз Самарқанд орзуси билан ёнишди, нуфузли фестивалда ижро этилажак дилбар куй-қўшиқлар хаёли билан яшашди. Бугун эса 22 нафар ижодкордан таркиб топган делегациямиз дунёга донғи кетган Самарқанд саҳнасида берилиб куй ижро этмоқда. Бу ҳар биримиз учун юксак шарафдир.



Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Қозоғистоннинг "Беу, жигитлар" ансамбли фестивалнинг илк куниёқ Регистон саҳнида миллий санъатларини намойиш этишди. Уларнинг чиқишида қозоқ халқига хос вазминлик, жўшқинлик сезилиб турарди. Олти нафар мусиқачи — Кенжаболат Тусупбоев, Римбек Баязитов, Болат Тезекбоев, Бекболат Тусупбоев, Баграм Раҳимов, Баян Башарова чалаётган сozлардан таралган наво кишини сел қилиб юборади.

— Ҳар бир халқ санъатининг ўзига хос жиҳатлари бор, — дейди ансамбль раҳбари Айнур Серсенбоева. — Шарқ халқлари мусиқаси эса бир-бирига жуда яқин. Ўн икки йилдан буён Самарқандда ўтказилаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали нафақат Шарқ халқларини, балки бутун жаҳон санъатини бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилмоқда. Дунёдаги манаман деган санъаткорларнинг ташрифи фестиваль нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётганидан далолат бермоқда.

Регистон майдонида, шунингдек, Австрия, Жазоир, Беларусь, Исроил, АҚШ, Миср, Эстония, Тожикистон, Украина, Швеция, Кувайт ва Озарбойжон мамлакатлари санъаткорларининг чиқишлари ҳам санъат мухлислари эътиборига ҳавола этилди.

Кўҳна шаҳарда фестиваль доирасидаги дастурлар намойиши давом этмоқда. Хусусан, кеча "Президент отель" меҳмонхонасида "Маданий фестиваллар бошқаруви" мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Бундан ташқари, мусиқа анжумани иштирокчилари Самарқанднинг сўлим гўшалари — "Мўъжиза" амфитеатри, "Ёшлик" ва "Сўғдиёна" истироҳат боғларида, "Сангизор" оромгоҳи ҳамда Самарқанд, Оқдарё, Пайариқ, Жомбой, Тайлоқ, Ургут туманларида ҳам концерт дастурларини намойиш этдилар.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали доирасида "Шарқ мусиқа маданиятининг жаҳон тамаддунидаги ўрни" мавзуида илмий конференция бошланди.***

## ИЛМИЙ АНЖУМАН

Йигирмага яқин давлатдан етакчи мусиқашунос, санъатшунос, манбашунос ва тарихчи олимлар иштирок этаётган ушбу анжуманда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали турли мамлакатлар ижодкорлари, мусиқашунос олимлар ўртасида илмий-ижодий алоқаларни ривожлантириш учун қулай имконият яратаётгани алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Шарқ мусиқа маданиятини тадқиқ этишда янги услубий ёндашувлар, мусиқа манбашунослигида эришилган ютуқлар, Шарқ маданияти ва глобаллашув жараёни, миллий мусиқа анъаналарини тарғиб этишда халқаро фестивалларнинг, хусусан, "Шарқ тароналари" фестивалининг аҳамияти каби мавзуларда маърузалар тингланади.

— Самарқандда ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали дунёдаги йирик мусиқий анжуманлардан ҳисобланади, — дейди озарбойжонлик олима Санубар Багирова. — Турли миллат ва элат вакиллари, турфа маданиятларга мансуб ижодкорларни мусиқа, рақс воситасида эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиришга хизмат қилаётган мазкур анжуманнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Фестиваль доирасида ўтказилаётган мазкур илмий конференция жараёнида Шарқ мусиқаси тарихи ва назарияси, мусиқашуносликдаги янги услубий ёндашувлар, бу йўналишда турли мамлакатларда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, айниқса, Ўзбекистонда бу борада орттирилган тажрибалар юзасидан ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиш яхши самаралар бериши, шубҳасиз.

**О. ТЎРАҚУЛОВ,**
**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**




***Илҳом туйғуси ижодкорни завқ билан ишлашга ундайди, унинг асарига мазмун-моҳият бахш этади. Ижодкор эл-юрт орасида қанчалик кўп юрса, одамларнинг ички кечинмаларига яқиндан ошно тутинса, яратажак асари ҳам шу қадар сержило бўлиши табиий. Шу маънода, Ўзбекистон Бадиий академиясининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ташкиллаштирган "Юртимиз жавоҳирлари" деб номланган тадбири алоҳида эътиборга моликдир.***

## «ЮРТИМИЗ ЖАВОҲИРЛАРИ»

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида уюштирилган бу лойиҳада 50 дан ортиқ таниқли рассомлар Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларда ижодий сафарда бўлишди. Сафардан кўзланган мақсад эса эзгу: олис ҳудуд ва чекка қишлоқларда яшаётган оддий одамлар, тадбиркору фермерлар ҳаётини яқиндан ўрганиш ва шу асосда фидойи юртдошларимизнинг ижодий портретларини яратишдан иборат.

— Юртимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, — дейди сафар ҳисоботига бағишланган анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев. — Зеро, хорижга чиқиб, асрлардан сўзлагувчи тарихий обидаларимиз, улуғ бобокалонларимиз, дунёга донғи кетган олиму адибларимиз исмини тилга олганимизда, чет элдагилар бизга ҳамиша ҳавас билан қарашади. Чиндан ҳам, биз бундай маънавий бойликларимизни жавоҳир сифатида қадрлаймиз. Шу билан бирга, бугунги кунда мустақилликни мустаҳкамлаш борасида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилаётган юртдошларимиз борки, уларнинг ҳаёт йўли бошқалар учун ҳамиша ибратлидир. Президентимиз: "Энг катта ютуғимиз — бунёдкор халқимиздир", деб бежиз айтмаган. Бу сўзнинг ҳаётий тасдиғини ижодкорларимиз қишлоқларда бўлиб, ўз кўзлари билан кўрдилар. Натижада қишлоқ меҳнаткашлари, фидокорона ишлаётган замондошлар портретларини яратдилар. Шунингдек, сафар давомида дала меҳнаткашлари билан учрашувлар ўтказилиб, тасвирий санъат кўргазмалари, суҳбатлар уюштирилди.

Ёш рассом Эшмамат Ҳайитов Италиянинг "Алдо Голли" номли нафис санъат бадиий академиясида 4 йиллик таҳсилни тамомлаб, яқинда мамлакатимизга қайтиб келган. Унинг асарлари нуфузли халқаро анжуманларда ҳам намойиш этилган. Ёш бўлса-да, дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлган. Аммо унинг юртимиз бўйлаб уюштирилган сафардан олган таассуротлари ўзгача.

— Биз, бир гуруҳ рассомлар Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Шўркент қишлоғида бўлдик, — дейди Э. Ҳайитов. — Бу қишлоқда ўн кун юрган бўлсак ҳам, зерикиш нималигини билмадик. Аксинча, қишлоқ одамларининг содда гаплари, покиза ниятлари билан диллашиб, бир олам таассуротлар олдик. Қайси хонадонда бўлмайлик, оила аъзоларининг меҳнатни улуғлашлари, офтоб ботиб, қош қорайсада, ишдан бош кўтармасликларидан ҳайратландик. Кўчада бирорта бекорчи йўқ, ҳатто болакайлар ҳам ота-оналарига ёрдам бериш учун уларнинг атрофида куймаланиб юришибди. Қишлоқда тонг отиши ва қуёш ботишини, саҳарлаб даласига кетаётган одамларни, сурув ортидан бораётган чўпон болани кузатиш қалбимга беҳад завқ-шавқ бағишлади. Уларнинг юз-кўзлари, меҳр-муҳаббати, меҳмондўстлиги кўз олдимда шундоқ муҳрландики, бу яратажак асарларим учун бетакрор мавзу бўлиб қолади.

Мазкур сафар таассуротлари давомида ишланган асарлар Конституциямизнинг 17 йиллиги арафасида ташкиллаштириладиган "Обод қишлоқ жамоли" ва "Қишлоқдаги замондошим" деб номланувчи кўргазмаларда намойиш этилади.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Спортда катта ютуқларга эришиб, Ватанимиз довруғини оламга таратаётган ёшларимиз кўпчиликни ташкил этади. Фарғоналик Акмал Эргашев ҳам шундай иқтидорли ёшларимиздан бири. У таэквондонинг WTF йўналиши бўйича кўплаб нуфузли халқаро турнирларда ғолиб ва совриндор бўлган.***

## Акмал Эргашев: «ВАТАНИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН»

Ўтган йили Пекин шаҳрида ўтказилган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида фахрли бешинчи ўринни эгаллади.

Яқинда Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида бўлиб ўтган "Korean open — 2009" халқаро турнирида Акмал ўзининг навбатдаги ғалабасига эришди. Мутлақ вазн тоифасидаги таэквондочилар беллашувида барча рақибларини мағлубиятга учратган А. Эргашев якунда олтин медаль билан тақдирланди. Мамлакатимизнинг энг кучли таэквондочиларидан бири ҳисобланган Акмал Эргашевга куни кеча Президентимиз Фармонига биноан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони берилди.

— Кореядаги баҳсларда дунёнинг эллик тўрт мамлакатидан келган 1500 нафар спортчи медаллар учун кураш олиб борди, — дейди А. Эргашев. — Ҳар бир вазн тоифасида баҳслар қизғин кечди. Бор имкониятимни ишга солиб, биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. Ушбу ғалабамни Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрамига бағишлайман. Фурсатдан фойдаланиб, биз ёшларга доимо оталарча ғамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимизга миннатдорлик билдираман. Мана шу эътибор туфайли қўлга киритаётган ютуқларимиз тобора яхшиланиб бораяпти. Спортда доимо етакчи бўлган мамлакатлар вакиллари ҳам ҳозирда Ўзбекистон деганда ҳушёр тортиб майдонга тушишаяпти. Шу юртда яшаётганлигимдан доимо фахрланаман. Бундан кейин ҳам халқаро мусобақаларда Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга ҳаракат қиламан.

Таъкидлаш лозимки, "Korean Open — 2009" халқаро турниридан Евгения Каримова кумуш, Игорь Ли ва Венера Абдураззоқова эса бронза медаллар билан қайтиб келишди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

## ОБ-ҲАВО

**(28 август)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 15-20, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Кечаси 15-20, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво булутли бўлиши мумкин. Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 17-22, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Тунда 15-20, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик бўлмайди Ҳарорат кечаси 15-17, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

## Кўркам ва замонавий

***Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрами арафасида Андижон шаҳрининг Сойгузар ва Эски шаҳар мавзеида янги буюм бозорлари фойдаланишга топширилди.***

Натижада минг нафарга яқин киши доимий иш билан таъминланди. Бундан ташқари, Қўрғонтепа туманида ҳам буюм бозори қуриб битказилди. Замонавий услубда бунёд этилган мазкур савдо мажмуасида 250 ўринли раста ва 82 та дўкон ишлаб турибди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 35388 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.20 Топширилди — 00.45 1 2 3 5